

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ
БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

НОРОВ БЕКЗОД НЕМАТОВИЧ

**ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚ ШАРОИТИДА АМАЛИЙ СЕЛЕКЦИЯ
УЧУН ҒЎЗАНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИГА ЭГА
БЎЛГАН БОШЛАНҒИЧ АШЁСИНИ ЯРАТИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Норов Бекзод Нематович

Шўрланган тупроқ шароитида амалий селекция учун ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган бошланғич ашёсини яратиш..... 3

Норов Бекзод Нематович

Создание исходного материала обладающего хозяйственно-ценными признаками для прикладной селекции в условия засоления почвы..... 23

Norov Bekzod Nematovich

Creation initial material for applied breeding of cotton with agronomic-valuable traits in soil salinity conditions..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ
БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

НОРОВ БЕКЗОД НЕМАТОВИЧ

**ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚ ШАРОИТИДА АМАЛИЙ СЕЛЕКЦИЯ УЧУН
ДЎЗАНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН
БОШЛАНҒИЧ АШЁСИНИ ЯРАТИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Qx704 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Амантурдиев Алишер Балкибаевич
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, к.и.х.

Расмий оппонентлар:

Бобоев Сайфулла Гафурович
биология фанлари доктори, профессор

Холмуродова Гўзал Рўзиевна
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «21» февраль, соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 111218, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 1-уй, Тел.: (+99871) 150-62-78; факс: Тел: (+99871) 150-61-37; e-mail: пахтауз@mail.mu. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти (Бош биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар илмий тадқиқот институтининг кутубхонасида тантшиш мумкин (1304 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар институти кутубхонаси. Тел.: (+99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____да тарқатилди.
(2023 йил «___» _____рақамли реестр баённомаси).

А.Э.Равшанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

А.Ё.Курбонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.д., к.и.х.

Я.А.Бабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра жаҳонда «Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги тупроқ деградацияси сабабли 1,5 миллиарддан ортиқ ер аҳолиси озиқ-овқат етишмовчилиги туфайли жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда. Глобал харита маълумотларига кўра, биргина қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдонларнинг тупроқ шўрланиши 833,0 млн гектар яъни, сайёрамиз худудининг 8,7 фоизига тўғри келади»¹. Республикамизда эса «Суғориладиган ер майдонлари 4,3 млн гектар бўлиб, 2021 йил 1 октябр ҳолатига кўра унинг 44,7 фоизи ҳар хил даражада, жумладан 31,0 фоизи кучсиз, 11,9 фоизи ўртача, 1,9 фоизи эса кучли шўрланган ҳисобланади»². Маълумки, кучсиз даражада шўрланган тупроқ шароитида экин ҳосилдорлиги 10-20 фоиз, ўрта даражада 20-50 фоиз, кучли даражада эса 50-80 фоиз камайишига олиб келади. Ушбу шароитларда қишлоқ хўжалик экинларидан, жумладан ғўзадан юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири, минтақанинг иқлим ва шўрланган тупроқ шароитларига бардошли, тезпишар, сермахсул, тола сифати IV саноат типига жавоб берадиган, текстилбоп ғўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида ғўза селекциясига доир илмий-тадқиқот ишлари етакчи селекционер - олим ва мутахассислар томонидан чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Янги навларни яратиш ва уларнинг экин майдонлари кўпайтиришда генетика ва селекция фанининг замонавий услубларидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Ўсимликлар селекциясида қуйилган мақсадга кўра селекция жараёнининг дастлабки босқичида дурагайлаш учун бошланғич жуфтликларни тўғри танлаш энг муҳим аҳамият касб этади. Тупроқ ва иқлим шароитларига мос навларни яратишда ҳозирги селекционер олимлар асосий эътибори, эволюцион ривожланиш натижасида табиатда сақланиб келинаётган ёввойи ва рудерал шаклларнинг ноёб белги хусусиятларини селекция жараёнига жалб қилишдан иборатдир.

Республикамизда сув танқислиги ва шўрга бардошли, тезпишар, махсулдор, касалликларга бардошли, тола ҳосилдорлиги ва сифати жаҳон бозорининг бугунги кунги талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратишда ёввойи ва рудерал шаклларнинг ноёб белги хусусиятларини селекция жараёнига жалб қилишдан самарали фойдаланишга эътибор қаратиш талаб этилади. Шунингдек, ғўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган селекцион ашёларини яратишда турли дурагайлаш услулари, жумладан политестерли топкросс чатиштириш усулидан қўллаш орқали сув танқислиги ва шўрга бардошли янги донорлар ва истиқболли дурагай комбинацияларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда экилаётган ғўза навлари сув танқислиги ва шўрга бардошли, тезпишар, махсулдор тола сифати ва бир қанча қимматли хўжалик белгилари бўйича хорижий навлар билан таққосланганда,

¹ www.FAO.org

² daryo.uz

ўзининг устунлини кўрсатмоқда. Аммо, ишлаб чиқариш ва текстел саноатнинг тола ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган ғўза навларига талаблар йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»³ ги фармони, «Селекция ютуқлари тўғрисида»⁴ ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-П-сон қонуннинг янги таҳрири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ ги ПҚ-277-сон қарори, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шўрланган тупроқ шароитида ёввойи ва ярим ёввойи ғўза намуналаридан амалий селекцияда фойдаланиш бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Жумладан, S.Abro, A.Rehman, D.T.Robinson, L.Bernstein, L.V.George, W.A.Williamsлар, G.M.Beil, П.А.Генкел, В.А.Ковка, Б.П.Строгонов, Н.И.Шевякова, Г.В.Удовеко, Л.К.Клышев, Р.А.Азимов, С.С.Садыков, Т.Кудайбердиев, Х.Мунасов, В.Бочарова, Э.Б.Абдурахмонов, Ж.И.Саидов, Х.Э.Абдурахмонов, В.А.Автономов, С.С.Алиходжаева, С.А.Раҳмонқулов, А.Б.Амантурдиев, О.Э.Кўчқоров, С.А.Усманов, Х.Х.Жалолов ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Ўзбекистонда бу йўналишдаги тадқиқотлар XIX асрнинг 80 йилларида бошланган бўлиб, ҳозирда илмий изланишлар ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитида, шўрга чидамли серҳосил галофитлар билан эртапишар, вилтга чидамли гликофит нав ва тизмаларни политестерли топкросс чатиштириш асосида олинган дурагайларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганишга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги фармони

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-П-сон «Селекция ютуқлари тўғриси» ги ва «Уруғчилик тўғрисида» ги қарори

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сон «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори

режаси билан боғлиқ бўлиб, № ВА-ҚХФ-5-005-2017 «Дўзада шўрга чидамлиликининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ҳамда айрим физиологик-биокимёвий механизмларини ўрганиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрта даражада шўрланган тупроқлар шароитида политестер топкросс усулидан фойдаланган ҳолда олинган дурагайлар асосида шўрга бардошли эртапишар, серҳосил, йирик кўсақли, юқори тола чиқими ва сифатига эга бўлган бошланғич ашёлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шўрга бардошли навлар ва эртапишар тизмаларни қимматли хўжалик белгилари ва тола сифати кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилиш ҳамда улар иштирокида политестер топкросс усулида янги дурагай комбинациялар олиш;

янги F₁ дурагайларини олишда иштирок этган ота-она шакллари шўрга бардошлилик бўйича комбинацион қобилиятига баҳо бериш ва селекция учун қимматли дурагай комбинацияларни аниқлаш;

F₁ дурагай комбинацияларида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва кейинги авлодларда ўзгарувчанлигини ўрганиш;

F₁ дурагай комбинацияларида тола сифатининг ирсийланиши ва F₃-F₄ авлодларида ўзгарувчанлигини ўрганиш;

F₂ дурагай комбинацияларида маҳсулдорлик белгиси билан айрим морфо-хўжалик белгилари орасидаги корреляцион боғланишларни аниқлаш;

шўрга бардошли, тезпишар, йирик кўсақли, сермаҳсул ҳамда юқори тола чиқими ва сифатига эга бўлган оилаларни ажратиш;

илгари ажратиб олинган оилаларни ўрганиш асосида шўрга бардошли, тезпишар, сермаҳсул, тола чиқими ва сифати юқори бўлган оилаларни бошланғич ашё сифатида амалий селекцияга тавсия этиш;

ҳаммуаллифликда яратилган шўрга бардошли, сермаҳсул, тола чиқими ва сифати юқори бўлган ғўзанинг янги С-5710 навини генетик тозалигини таъминлаш ва уруғларни кўпайтириш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Сув танқислиги ва шўрга чидамли ғўза навлари селекцияси” лабораториясида яратилган *G.hirsutum* L. турига мансуб шўрга бардошли, сермаҳсул юқори тола сифати ва чиқимига эга бўлган ғўзанинг Гулистон, С-5706, С-5707, С-5709 навлари ва “Интенсив ғўза навлари селекцияси” лабораториясида яратилган эртапишар, вилтга чидамли, тола сифати IV-V саноат типларига мансуб Т-2674, Т-7211, Т-374, Т-45/573 тизмалари ва улар иштирокида политестер топкросс усулида олинган дурагайлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўрта даражада шўрланган тупроқлар шароитида ғўза навларини ва тизмаларини ўзаро политестер топкросс усулида чапиштириш, олинган дурагайларнинг комбинацион қобилиятини аниқлаш, белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва улар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни дурагайларда ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлиллари Б.А.Доспехов (1985) усулида, дала фенологик кузатувлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) бўйича олиб борилди, политестер топкросс тизимида дурагайлаш С.П.Яковлев, Б.Н.Болдырихина (1979) усулида амалга оширилди ва доминантлик даражаси G.M.Beil, R.E.Atkins (1965) ишида келтирилган S.Wright формуласи асосида ҳисобланди ҳамда тола сифати «Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази» нинг синов лабораториясида Uster HVI Spectrum тола классификацияси тизимида таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб *ssp.yucatanense* (06421), *ssp.punctatum* (05152), *ssp.morilli* (09363), *ssp.richmondi* (09281), кенжа турлари ва АҚШ селекциясига мансуб “Acala 1571-70”, “Acala Sj-5”, “Deltapine 16”, “Paymaster 266”, “S.Compositae” навлари иштирокида олинган дурагайлардан кўп йиллик танлов асосида яратилган шўрга бардошли “Гулистон”, С-5706, С-5707 ва С-5709 навлари ҳамда эртапишар, вилтга чидамли Т-2674, Т-7211, Т-374, Т-45/573 тизмалари иштирокида ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитларида политестер топкросс тизимида янги ноёб дурагайлар яратилган;

дурагайларнинг нав ва тизмаларига комбинацион қобиляти бўйича баҳо берилган, шўрга бардошлиликнинг ирсийланиш қонуниятлари ҳамда шўрга бардошлилик амалий селекцияси учун донорлар (Гулистон ва С-5706 навлар) аниқланган;

шўрга бардошлилик белгисини ирсийланишида генларнинг роли турлича бўлиб, Гулистон ғўза навида аддитив генлар самараси, С-5706, С-5707 ва С-5709 навларида мазкур белгининг доминант ва эпистатик генлар таъсири устунлигида ирсийланиши аниқланган, махсус комбинацион қобиляти вариантларига кўра Гулистон х Т-374, С-5706 х Т-2674, С-5707 х Т-45/573, ва С-5709 х Т-374 селекция учун истиқболли деб топилган;

дурагайларда айрим морфобиологик, қимматли хўжалик белгиларини ва тола сифатини ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда белгилар орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

ўзида мужассам қилган шўрга бардошли, тезпишар, серҳосил, йирик кўсақли, тола чиқими ва сифати юқори бўлган оилалар бошланғич ашё сифатида амалий селекция жараёнига тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижасида шўрга бардошли, серҳосил, йирик кўсақли, тола чиқими ва сифати юқори бўлган янги О-5, О-7, О-38, О-59, О-74, О-77, О-249, О-260, О-310 (Гулистон х Т-374), О-98, О-99, О-101, О-360, О-368, О-369 (С-5706 х Т-2674), О-144, О-419 (С-5709 х Т-374) ва О-224, О-226, О-233 (С-5707 х Т-45/573) оилалари яратилган ва амалий селекция жараёнига бошланғич ашё сифатида тавсия этилган;

сув танқислиги ва шўрга бардошли, серҳосил, йирик кўсақли, юқори тола чиқими ва сифатига эга ўрта толали ғўзанинг С-5710 нави яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибаларининг ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан олиб борилган дала апробация кўригида ижобий баҳоланганлиги, бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, олинган натижаларни замонавий компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мослиги, илмий-тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги, хулосалар илмий асосланганлиги, натижаларни амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта даражада шўрланган тупроқлар шароитида политестер топкросс усули асосида олинган дурагайларда морфобиологик, қимматли хўжалик белгилари ҳамда тола сифатининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлигини аниқланганлиги, генетик-статистик усуллар ёрдамида олиб борилган таҳлиллар ва ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитида амалга оширилган самарали танловлар ўтказилганлиги, янги оилаларда эртапишарлик, маҳсулдорлик, юқори тола чиқими ва сифатини ва бошқа морфоҳўжалик белгиларини мужассамлаштирилганлиги билан белгиланади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти амалий селекция учун ўрта даражада шўрланган тупроқлар шароитида политестер топкросс чатиштириш усули асосида шўрга бардошли, тезпишар, маҳсулдор, йирик кўсақли, шунингдек юқори тола чиқими ва сифати каби белгилар мажмуига эга бўлган оилалар яратилганлиги ва бошланғич ашё сифатида тавсия этилганлиги ҳамда ҳаммуаллифликда сув танқислиги, шўрга бардошли, серҳосил, йирик кўсақли, машина теримига мос, тола чиқими ва тола сифати юқори бўлган ўрта толали ғўзанинг янги С-5710 нави яратилганлиги, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг турли тупроқ-иқлим шароитларида жойлашган 6 та нав синаш шаҳобчаларида ўрганилганлиги ҳамда кенг майдонларда экилаётган навларга нисбатан пахта ҳосилдорлиги, тола чиқими ва сифати бўйича устунлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шўрланган тупроқ шароитида амалий селекция учун ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган бошланғич ашёсини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

шўрга бардошли, тезпишар, серҳосил, йирик кўсақли, тола чиқими ва сифати юқори бўлган янги О-5, О-7, О-11, О-74, О-77, О-98, О-99, О-101, О-360, О-368, О-369, О-140, О-144, О-419, О-224, О-226 ва О-233 оилалари яратилиб, ПСУЕАИТИнинг Сирдарё илмий тажриба станциясининг ўрта даражада шўрланган тупроқлари шароитида 1,5 га майдонда экилган ва уруғларини кўпайтириш ишлари олиб борилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 ноябрдаги №02/020-4701-сон маълумотномаси). Натижада ушбу оилалар ўрта даражада шўрланган

тупроқлар шароитида яратилган бўлиб, тезпишарлиги 110,0-115,0 кунни, битта кўсақдаги пахта вазни 6,5-7,1 граммни, тола чиқими 38,0-41,0 фоизни ташкил этиб, ҳосилдорлиги 40,0 центнерни ташкил этган;

қимматли хўжалик белгиларининг юқори мажмуига эга бўлган ғўзанинг янги С-5727 нави яратилиб, 2021 йилда Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг турли тупроқ-иқлим шароитларида жойлашган шаҳобчаларида синовдан ўтган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 ноябрдаги №02/020-4701-сон маълумотномаси). Натижада ушбу нав Давлат меъёрий талабларига тўлиқ жавоб берганлиги учун 2022 йилдан Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг турли хил тупроқ-иқлим шароитларида жойлашган шаҳобчаларида конкурс нав синови учун қабул қилинган;

ҳаммуаллифликда ўрта толали ғўзанинг янги С-5710 нави яратилиб, 2020-2021 йилларда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги “Орифжон” элита уруғчилик фермер хўжалигида 2,5 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 ноябрдаги №02/020-4701-сон маълумотномаси). Натижада мазкур навнинг ўсув даври 116,0-120,0 кунни, битта кўсақдаги пахта вазни 6,5-7,1 г. ни, тола чиқими 38,0-39,0% ни, микронейр кўрсаткичи 4,1-4,5 ни, тола узунлиги 1,26 дюймни, умумий ҳосилдорлик 40,0-45,0 ц/га ни ташкил этиб, назорат навига нисбатан гектаридан 5,0-10,0 центнерга юқори ҳосил олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан апробациядан ўтказилиб ижобий баҳоланган ҳамда тадқиқот натижаларида 4 та шу жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда жами 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий-тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги, тадқиқот назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Адабиётлар шарҳи» деб номланган биринчи бобида

мавзу бўйича адабиётларнинг батафсил таҳлили ёритилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекциясида шўрланган тупроқ шароитида олиб борилган илмий изланишларни самарадорлиги, ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганишда қўлланиладиган селекцион-генетик баҳолаш усуллари, ғўзанинг асосий қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар, дурагай комбинацияларда намоён бўлган трансгрессия частотаси ва даражаси, дурагай ўсимликларда танлов самарадорлигини баҳолаш бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлиллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар олиб борилган жой ва унинг шароити, манбаи ҳамда услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба олиб бориш жойи ва тупроқ-иқлим шароити, тупроқдаги сувда эрувчан тузлар миқдори, бошланғич ашёлар, тадқиқот манбаи, тадқиқот услублари тажриба даласида ўтказилган агротехник тадбирлар каби маълумотлар баён этилган.

Дала тажрибалари 2017-2021 йиллар мобайнида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Сирдарё илмий тажриба станциясининг ўрта шўрланган (0,2-0,4%) тупроқ шароитида олиб борилган. Изланишлар давомида фенологик кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари қуйидаги белгилар бўйича амалга оширилган- ўсимлик бўйи, ҳосил шохнинг жойлашиши (hs), бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони, ўсув даври давомийлиги, бир дона кўсақдаги пахта вазни, маҳсулдорлик, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни ва тола сифатининг технологик кўрсаткичлари. Биринчи авлод дурагайларида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг доминантлик даражаси коэффициентлари G.M.Beil ҳамда R.E.Atkins ишларида келтирилган S.Wright формуласидан фойдаланилган. Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) услуби статистик ишловдан ўтказилган. Ўрганилган нав ва тизмаларнинг комбинацион қобилияти баҳолашда С.П.Яковлев, В.Н.Болдырихина (1979) услубидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Ўзанинг ота-она шакллари ва F₁-F₄ авлодларида белгиларнинг ирсийланиши ва шаклланиши**» деб номланган учинчи бобида ота-она шаклларида айрим қимматли хўжалик ва тола сифати белгиларини ўрганиш, политестер топкросс усули асосида олинган дурагайларнинг ота-она шакллари шўрга бардошлилиги бўйича комбинацион қобилияти баҳолаш, F₁ авлодларида айрим морфо-хўжалик ва тола сифати белгиларининг ирсийланиш даражаси, F₂-F₄ авлодларида асосий морфо-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги, F₃ ва F₄ авлодларида тола сифати белгиларининг ўзгарувчанлиги ҳамда F₂ дурагай авлодларида морфо-хўжалик белгилар орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликлар бўйича олинган натижалар таҳлил этилган. Энг яхши F₃ дурагай оилаларининг морфо-хўжалик ва тола сифати белгилари ва селекция учун бошланғич ашёлар сифатида тавсия этилган ўзида ижобий белгиларни мужассам этган F₄ дурагай оилалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шўрланган тупроқ шароитида дурагайлашга жалб қилинган нав ва тизмаларда айрим қимматли хўжалик белгилари ҳамда тола сифатининг кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобининг биринчи қисмида дурагайлашга жалб қилинган шўрга бардошли ёввойи ва

рудерал шакллар ҳамда маҳаллий навлар иштирокида олинган Гулистон, С-5707, С-5706 ва С-5709 навлари ва тезпишар, вилт касалигига чидамли Т-2674, Т-7211, Т-374, Т-45/573 тизмаларининг айрим қимматли хўжалик белгилари ҳамда тола сифати кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда андоза сифатида ғўзанинг С-6524 ва Наманган-77 навларидан фойдаланилган. Ота-она шаклларида ўсув даври давомийлиги ўртача 106,0-122,0 кунни, бир дона кўсақдаги пахта вазни 5,6-7,9 г. ни, тола чиқими 35,6-39,5% ни, 1000 дона чигит вазни 116,0-138,0 г.ни ташкил қилган. Тола сифат барча ота-она шаклларида IV-тип талабларига жавоб берган. Ушбу нав ва тизмаларда политестерли топкросс усулида чатиштириш ишлари олиб борилган ва 16 та дурагай комбинациясидан F₀ уруғлари олинган.

Диссертациянинг “**Ота-она шаклларининг шўрланган тупроқлар шароитида маҳсулдорлик белгиси бўйича комбинацион қобилиятини баҳолаш**” деб номланган учинчи бобининг иккинчи қисмида дурагайларнинг ота-она шаклларининг шўрга бардошлилиги (шўрга бардошлилик мезони сифатида маҳсулдорлик олинди) бўйича комбинацион қобилиятига баҳо бериш натижалари келтирилган. Дурагайлар орасидаги фарқларни аниқлаш мақсадида дисперсион таҳлил ўтказилди. Ушбу таҳлил босқичида дурагайларни генотипик самараси таркибий элементларга: оналик шаклларининг умумий комбинацион қобилияти (УКҚ) самараси, оталик шаклларининг УКҚ самараси, ота-она шаклларининг махсус комбинацион қобилияти (МКҚ) самарасига ажратилди (1-жадвал).

1-жадвал

Маҳсулдорлик бўйича дурагайларни дисперсион таҳлил натижалари (2018 йил).

Дисперсия	Квадратлар йиғиндиси S	Эркинлик даражаси ds	Ўртача квадрат m	F _φ	F ₀₅	F ₀₁
Умумий C _y	3631,8	71,0	-	-	-	-
Қайтариқ C _p	3,4	2,0	-	-	-	-
Вариантлар C _v	3438,2	23,0	149,5	36,4	2,61	3,83
Қолдиқ (хатолик)	190,0	46,0	4,1	-	-	-

Ота-она шаклларининг комбинацион қобилияти бўйича таҳлил натижалари ғўзанинг “Гулистон” ($\bar{g}_i = 8,93$), С-5706 ($\bar{g}_i = 5,46$) навлари ва Т-45/573 ($\bar{g}_i = 4,51$) тизмасида шўрга бардошлилик бўйича юқори умумий комбинацион қобилият самарасига эга бўлганлигини кўрсатди. Бу шўрга бардошлилик селекциясида жуда муҳимдир.

С-5707 ғўза навида умумий комбинацион қобилияти (УКҚ) самараси манфий бўлишига қарамасдан махсус комбинацион қобилияти вариацияси юқори бўлганлиги, ушбу навни яхши чатишиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатади. Ушбу белгининг ирсийланишида генларнинг роли турлича бўлди (2-жадвал). Гулистон ғўза навида ($\frac{\bar{Q}^2 g_i}{\bar{Q}^2 s_i} = 1,78$) аддитив генлар устунлигида ирсийланган бўлса, С-5709 ($\frac{\bar{Q}^2 s_i}{\bar{Q}^2 g_i} = 4,6$), С-5706 ($\frac{\bar{Q}^2 s_i}{\bar{Q}^2 g_i} = 4,0$) ва С-5707 ($\frac{\bar{Q}^2 s_i}{\bar{Q}^2 g_i} = 1,76$) навларида мазкур белгининг доминант ва эпистатик генлар таъсирида ирсийланиши аниқланди.

2-жадвал

Дурагайларнинг ота-она шаклларига махсулдорлик белгиси бўйича комбинацион қобилиятига баҳо бериш. (2018 йил)

♀ навлар	♂ тестер тизмалар				X _i	ĝ _i	σ ² _{gi}	S _{ij}				σ ² _{si}
	Т-45/573	Т-7211	Т- 374	Т-2674				1	2	3	4	
Гулистон	141,6	128,3	140,2	136,6	546,7	8,93	105,97	0,42	-7,43	8,62	-6,1	59,55
С-5706	133,0	136,2	113,6	150,0	532,8	5,46	39,30	-4,71	3,94	-14,51	15,27	157,82
С5709	112,0	123,6	131,2	124,1	490,9	-5,01	30,03	-15,23	2,82	13,57	-0,15	138,88
С-5707	142,4	119,1	105,6	106,4	473,5	-9,36	116,17	19,52	1,67	-7,68	-13,5	205,18
x _j	529,0	507,2	490,6	517,1	2043,9							
ĝ _j	4,51	-0,94	-5,09	1,53	-							
σ ² _{gj}	26,69	0,81	34,10	2,75	-		σ ² _{g_j}	210,68	26,06	74,72	149,71	-

стандарт хаҳо (ĝ_i - ĝ_j) = + 0,977

(ĝ_i - ĝ_j) = + 0,977

Ўрганилган дурагайлар орасида маҳсулдорлик белгиси бўйича селекция учун истикболли деб Гулистон х Т-374 (8,62), С-5706 х Т-2674 (15,27), С-5709 х Т-374 (13,57) ва С-5707 х Т-45/57 (19,52) комбинациялари топилди (2-жадвал).

Диссертациянинг **“F₁ дурагай комбинацияларида морфобиологик белгиларни ирсийланиши ва кейинги авлодлардаги ўзгарувчанлиги”** деб номланган 3 бобининг учинчи қисмида F₁-F₄ дурагай комбинацияларида морфобиологик белгиларни ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича олинган натижалар келтирилган. F₁ дурагай комбинацияларида ўсимлик баландлиги, биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги, ҳосил шохи сони ва бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони белгиларини ирсийланишида оралик ирсийланиш, тўлиқ ва ўта доминантлик ҳолатлари кузатилди, бу юқорида келтирилган миқдорий белгиларнинг ирсийланиши полиген характерга эга эканлигини кўрсатади.

F₂ дурагай комбинацияларида ўсимлик бўйининг ўртача кўрсаткичлари ота-она шакллари оралиғида жойлашди. Ажралиш жараёнида вариацион қаторнинг ўнг қисмида ота-она шаклларида юқори кўрсаткичларга эга бўлган трансгрессив генотиплар ажралиб чиқши бу белгининг ирсийланиши полиген характерга эга эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“F₁ дурагай комбинацияларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва кейинги авлодлардаги ўзгарувчанлиги”** деб номланган 3 бобининг тўртинчи қисмида F₁-F₄ дурагай комбинацияларида асосий қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича олинган натижалар таҳлил этилган. Ўсув даври давомийлиги белгисининг ирсийланиши F₁ дурагай комбинацияларининг аксариятида оралик кўринишга эга бўлиб, фақат F₁С-5709 х Т-45/573, F₁С-5709 х Т-374 ва F₁С-5707 х Т-2674 дурагай комбинацияларида гетерозис ва тўлиқ доминантлик ҳолати аниқланди. F₂ дурагайларининг ўртача кўрсаткичи ота-она шакллари орасида жойлашди. Вариацион қаторда трансгрессив ажралиш кузатилиб, ота-она шаклларида нисбатан кечпишар генотиплар ўсимликларни ажралиб чиққанлиги кузатилди, бу белгининг ирсийланиши полиген характерга эга эканлигидан далолат беради.

Бир дона кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича 16 та F₁ дурагай комбинацияларидан 5 тасида оралик ва 11 тасида (hp=1,0 дан 13,0 гача) тўлиқ доминантлик ва гетерозис ҳолати кузатилди. F₂ дурагайларида бир дона кўсақдаги пахта вазни белгисининг ўртача кўрсаткичлари ота-она шакллари оралиғида Гулистон х Т-374, С-5706 х Т-2674, С-5707 х Т-45/573 жойлашди, фақат С-5709 х Т-374 комбинациясида ушбу белги йирик кўсақли ота-она шаклининг устунлигида ирсийланганлиги қайд этилди. Ушбу белги бўйича ҳам кенг миқёсдаги ажралиш жараёни кузатилди.

Тола чиқими белгисининг ирсийланишида 16 та F₁ дурагай комбинацияларидан 12 тасида тўлиқ ва ўта устунлик, қолган 4 тасида оралик ҳолатда ирсийланиш кузатилди. F₂ дурагайларда ушбу белги бўйича кенг миқёсдаги трансгрессив ажралиш жараёни кузатилди. Белги

бўйича вариоцион каторнинг ўнг тамонида ота-она шакллари кўрсаткичларидан юқори кўрсаткичли, яъни 39,0-43,0 фоизга эга генотиплар ажралиб чиқди. Ажратиб олинган F_3 дурагай оилаларда қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичларини таҳлили барча белгиларни маълум даражада турғунлашаётганлигини кўрсатди.

Тадқиқотлар давомида F_3 дурагай оилалардан шўрга бардошли, эртапишар, серҳосил, йирик кўсақли, тола чиқими ва тола сифатининг технологик кўрсаткичлари юқори бўлган 44 та оила селекция жараёнининг кейинги босқичларида ўрганиш учун ажратилди. F_4 дурагай оилаларида ҳам белгилар бўйича турғунлашиш жараёни давом этаётганлиги аниқланди.

Диссертациянинг “ **F_1 дурагай комбинацияларида тола сифат кўрсаткичларининг ирсийланиши ва F_2 - F_4 авлодлардаги ўзгарувчанлиги**” деб номланган 3 бобининг бешинчи қисмида F_1 дурагай комбинацияларда тола сифати кўрсаткичи бўйича аксарият комбинацияларда оралик ирсийланиш кузатилганлиги ушбу дурагайларнинг кейинги авлодларидан ғўза навлари селекцияси учун шўрланишга бардошли тола сифати юқори бўлган қимматли бошланғич ашёлар ажратиб олиш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Толанинг йигирувчанлик коэффиценти бўйича барча нав ва тизмалар 150 дан баланд кўрсаткичга эга бўлди, бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Ўрганилган F_1 дурагайларининг 8 тасида толанинг йигирувчанлик коэффицентининг ирсийланишида тўлиқ доминантлик ва гетерозис ҳолати кузатилди. $F_1C-5706$ х $T-45/573$, $F_1C-5707$ х $T-7211$ ва $F_1C-5707$ х $T-374$ дурагай комбинацияларда аксинча салбий гетерозис ҳолати аниқланди. Қолган дурагай комбинацияларда белги бўйича доминантлик кузатилмади. Бу толани йигирувчанлик коэффиценти бўйича танлов ишларини F_2 бўғиндан бошлаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Ажратиб олинган F_3 дурагай оилаларда тола йигирувчанлик коэффиценти бўйича энг кичик кўрсаткичлар О-59 (129), О-505 (131), О-463 (136), О-229 (139), энг юқори кўрсаткичлар эса О-426 (172), О-11 (175), О-7 (176), О-310 (177) оилаларда кузатилди. Ғўзанинг андоза Гулистон навида ҳам толани йигирувчанлик коэффиценти юқори бўлди ва 155 ни. ташкил этди.

Ажратиб олинган F_3 дурагай оилаларни таҳлил қилиш натижасида аксарият дурагай оилаларнинг тола ип йигирувчанлик коэффицентининг диапазонни 150 дан юқори бўлди. Демак бу толадан тайёрланадиган ип калаванинг мустаҳкамлиги юқори бўлишидан далолат беради.

F_4 оилалар ичида юқори диапазонга О-169 (140), О-40 (141), О-190 (142), О-226 (147), О-144 (148) ва О-38 (149) оилалари, қолган оилалар эса 150 диапазондан баланд яъни жуда юқори диапазонга эга бўлди. Толани ип йигирувчанлик коэффиценти қанча юқори бўлса, ип калаванинг пишиқлиги шунча мустаҳкам бўлади, шунинг учун тола сифатини баҳолашда тола ип йигирувчанлик коэффицентига алоҳида эътибор қаратилди. Олинган

натижалар барча ажратиб олинган F_4 дурагай оилаларнинг тола сифати юқори эканлиги кўрсатди.

Диссертациянинг “ **F_2 дурагай комбинацияларида маҳсулдорлик билан айрим морфо-хўжалик белгилари орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликлар**” деб номланган 3 бобининг олтинчи қисмида маҳсулдорлик билан ўсимлик баландлиги, ўсув дари давомийлиги, битта ўсимликдаги кўсаклар сони, битта кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими, тола узунлиги белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар бўйича олинган натижалар таҳлили келтирилган. Б.А.Доспехов қўлланмасида келтирилишича белгилар орасидаги корреляцион боғлиқликлар $r < 0,3$ бўлганда кучсиз, $r = 0,3 - 0,7$ ўрта, $r > 0,7$ кучли ҳисобланади.

Маҳсулдорлик белгиси билан ўсимлик баландлиги ўртасидаги корреляция коэффициентлари $r = 0,49 - 0,56$ оралиғида бўлди. Ушбу белгилар бўйича барча дурагай комбинацияларда корреляцион боғлиқлик ўртача ижобий эканлиги аниқланди.


Маҳсулдорлик белгиси билан ўсув даври давомийлиги белгилари ўртасидаги боғлиқлик Гулистон х Т-374, С-5709 х Т-374, С-5707 х Т-45/573 дурагай комбинацияларида ўртача ижобий бўлиб, корреляция коэффициентлари мос равишда $r = 0,48$; $r = 0,45$; $r = 0,38$ тенг бўлди. Бунда маҳсулдорлик белгиси билан вегетация даври белгиси ўртасидаги ижобий боғланишни салбий деб ҳисоблаш керак, чунки юқори маҳсулдорлик кечпишарлик ҳисобига таъминланган.

Маҳсулдорлик ва уни белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири битта ўсимликдаги кўсаклар сони орасидаги корреляцион боғлиқликлар барча дурагайларда ўртача ижобий бўлиб, $r = 0,49 - 0,61$ ни ташкил этди.

Шунингдек маҳсулдорлик ва уни белгиловчи кўрсаткичлардан яна бири бир дона кўсакдаги пахта вазни орасидаги корреляцион боғлиқлик $r = 0,66$ дан $r = 0,76$ гачани бўлганлиги қайд этилди. Бунда Гулистон х Т-374, С-5709 х Т-374, С-5707 х Т-45/573 комбинацияларида корреляцион боғлиқликлар ўртача ижобий, фақат С-5706 х Т-2674 дурагай комбинациясида боғлиқлик кучли ижобий бўлганлиги аниқланди.

Гулистон х Т-374, С-5709 х Т-374, С-5706 х Т-2674, С-5707 х Т-45/573 комбинацияларида маҳсулдорлик билан тола чиқими белгиси ўртасидаги боғлиқликлар ижобий бўлиб, корреляция коэффициентлари мос равишда $r = 0,22$; $r = 0,28$; $r = 0,26$; $r = 0,28$ га тенг бўлди. Барча дурагайларда корреляцион боғлиқликни баҳолаш мезони $t_r \geq 1,96$ дан паст бўлди (1- расм).

Маҳсулдорлик билан тола узунлиги белгиси ўртасида ҳам ушбу ҳолат такрорланди, яъни боғлиқликлар кучсиз ижобий бўлди, бу ушбу белгиларни бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ирсийланишидан дарак беради.



1-расм. F₂ дурагайларида маҳсулдорлик ва айрим белгилар ўртасидаги коррелятив боғлиқлик

Диссертациянинг “Тадқиқотлар жараёнида ажратиб олинган энг яхши оилаларнинг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари” деб номлаган тўртинчи бобининг биринчи қисмида ажратиб олинган оилаларнинг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари келтирилган. Ўрта даражада шўрланган тупроқлар шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижасида шўрга бардошли, эртапишар, серҳосил, йирик кўсақли, тола чиқими ва сифати юқори бўлган янги оилалар ажратилди. Ажратиб олинган оилаларда ўсув даври давомийлиги 110,0-114,0 кунни ташкил этди. О-38, О-101, О-360, О-310, О-224, О-226, О-233 оилалари энг тезпишар бўлиб, уларнинг ўсув даври давомийлиги 110,0-111,0 кунга тенг бўлди. Андоза Гулистон ғўза навида ушбу кўрсаткич 123,0 кунни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич бўйича оилалар андоза навидан 8,9 кундан 13 кунгача тезпишарликни намаён қилди.

Ажратиб олинган оиларда ўсимлик бўйи кўрсаткичи янги оилаларда 106,4 смдан (О-226; С-5707 х Т-45/573), 113,5 смгача (О-101; С-5706 х Т-2674) бўлганлиги аниқланиб, андоза нав сифатида иштирок этаётган ғўзанинг Гулистон навида 110,4 см бўлганлиги аниқланди.

